



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 16 август, № 160 (4313)

Пайшанба

ИСЛОМ КАРИМОВ ВА ХУ ЦЗИНЬТАО УЧРАШУВИ


ПРЕЗИДЕНТ
БИШКЕККА
ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 август куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкек шаҳрига жўнаб кетди.

ШХТнинг бу гапга учрашувида ташкилотга аъзо Ўзбекистон, Хитой, Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари билан бир қаторда Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Мўғулистон, Афғонистон, Туркменистон вакиллари ҳам иштирок этиши kutilмоқда.

Саммитда иқтисодий ҳамкорлик масалалари, жумладан, кишлоқ хўжалиги, машинасозлик, нефть-газ саноати, айниқса, энергетика, ахборот технологиялари ва транспорт коммуникациялари соҳаларида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, шунингдек, хавфсизликни мустақамлаш имкониятларига доир масалалар кўриб чиқиши режалаштирилган.

(ЎЗА)



БИШКЕК. 15 август. (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бишкекка етиб келди.

Мамлакатимиз раҳбари "Ала Арча" қароргоҳга жойлашди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао ўртасида учрашуво бўлиб ўтди.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ўзаро ишонч мустақамлашиб бораётганини, бу ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ху Цзиньтао Ўзбекистон раҳбарини Хитойнинг яқин дўсти деб билишини, икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда Ислам Каримовнинг ҳиссаси улкан эканини қайд этди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ислам Каримов ва Ху Цзиньтао мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар 2005 йилда имзоланган Дўстлик ва шериклик тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожлантиришни таъкидладилар.

(ЎЗА)

СУРАТДА: учрашуводан
Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА)
олган сурат.

Мустақиллик — менинг тақдиримда!

Ҳақиқатда мустақиллик шарафати, муқддас Юртбошимиз қўрғатмаси билан бунёд этилган Бўстон академик лицейида ишлаб келишимизнинг энг сўнгги ютуқлари асосида қурилган бино, компьютер синфлари, барча имкониятларга эга спорт зали, ахборот ресурсларига бой кутубхонага қараб туриб, эски мактабдаги иш фаолиятини тақослайман. Ҳақиқатда мустақиллик мактаб, лицей ва коллежларни маърифатпарвар бобимиз Бекбуди айтаётгандек, дунё иморатларининг энг улуғи айланган.



ЎЗ КАСБИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Бугун эса мустақиллик шарафати, муқддас Юртбошимиз қўрғатмаси билан бунёд этилган Бўстон академик лицейида ишлаб келишимизнинг энг сўнгги ютуқлари асосида қурилган бино, компьютер синфлари, барча имкониятларга эга спорт зали, ахборот ресурсларига бой кутубхонага қараб туриб, эски мактабдаги иш фаолиятини тақослайман. Ҳақиқатда мустақиллик мактаб, лицей ва коллежларни маърифатпарвар бобимиз Бекбуди айтаётгандек, дунё иморатларининг энг улуғи айланган.

Лицейимизда истиқдорли, қобилиятли ўқувчилар кўп. Биргина 2005 йили лицейимизни битирган 74 нафар ўқувчидан 60 нафар олий ўқув юртига талабаликка қабул қилинганлар. Кейинги икки йилда бу натижа янада мустақамлашди. Шу кунгача уч ўқувчимиз хориждаги нуфузли университетларни битириб қайтди. Айни кунда лицейимизни битирган икки ёш Олимпиада ва Хитойда олий таълим олмақда. Менинг ўзим эса Жанубий Кореяда малака ошириб қайтдим. Бир пайтлари тушимизга ҳам кирмаган ишлар эмасми бу?

Лицейимизда аниқ ва табиий фанлар чўқур ўргатилиши билан бир қаторда тилларни ўзлаштириш, бадиий адабиёт тарғиботи ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Лицей ҳузурида ёш ёзувчилар семинари ишлаб турибди. Мамлакатимизнинг пешқадам адабиёт келиб ўқувчиларимизга бадиий ижод сирларини ўргатишда.

Чўқур билим инсонни ҳам, у яшаб турган жамиятни ҳам чинакам бахту-саодатга, қомилликка, буюк келажаққа элтади. Мустақилликимизнинг 16 йили бунини тўла-тўғис билан ўргатишда ҳам шу мустақилликни кўз қорачигидек асраш эса ҳаммамиз ва ҳар биримизнинг бурчимиздир!

Ҳожибой САБУРОВ,
Муҳаммад Юсуф номидаги
Бўстон академик лицейи директори.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Пойтахтимиздаги «Миллий санъат маркази»да «Bazar-art» кўргазма-ярмаркаси очилди. У «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамғармаси ташаббуси билан ташкиллаштирилган бўлиб, кўргазмада республикамизнинг барча ҳудудларидан келган 50 дан зиёд қўли гул усталар ўзларининг тўқимачилик, нақш ва миниатюра, ёғоч уймакорлиги, зардўзлик асарлари билан қатнашмоқдалар.



САНЪАТ МИЛЛАТНИ ТАНИТАДИ

— Бугун адрас, атлас каби миллий матолачиларимизга эҳтиёт катта, — дейди марғилонлик тадбиркор Юсуфжон Мирзахонов. — Махсулотларимизнинг сифати юқори, нархи арзон. Муҳими, истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

— Кўргазма ҳақида танишларимдан эшитдим-у, тезда келавердим, — дейди пойтахтлик Дилбар Раҳмонова. — Фарзандларимга мана бу кийим кечакларни олдим.

Этиборимизни кўза харид қилаётган хорижлик меҳмон тортди. — Ҳақиқий санъат асарларини сизлар яратаркан, сизлар, — дея хайратини яширолмайдиган Франциянинг Лион шаҳридан келган эрхотин Жан ва Эвелин Эккоффонлар. — Бугун Францияга учиб кетамиз. Икки ҳафта мобайнида Ўзбекистоннинг тарихий жойларини кўришди.

Омонгула ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири,
Муҳаммад АМИН (ЎЗА)
олган сурат.

САМАРҚАНДНИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДАГИ ЎРНИ

«Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ўз ишини 15 август куни Самарқанд шаҳрида давом эттирди

Самарқанд шаҳри мустақиллик йилларида жуда кўп қутлуғ шодиёнлар, тўю тантаналарнинг гувоҳи бўлиб келмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида бу ерда кўплаб буюк аждодларимизнинг таваллуд айёмлари кенг нишонланди. Мазкур юбилейлар муносабати билан шаҳарда мисли қўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Қадимий ва хамиша навқирон шаҳар бугун ҳам улкан байрамлар шукхи билан яшамоқда. Бу ерда истиклолимизнинг 16 йиллиги, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги ва «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини кўтаринки руҳда ўтказишга қизғин ҳозирлик қўрилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига йўللган табриғида Мовароуннаҳр заминидан камолга етган, ўзининг илмий жасорати, буюк кашфиётлари билан бутун дунёда шук

рат қозongan зотлар қаторида Мирзо Улуғбек номини ҳам чўқур эҳтиром билан қайд этгани бежиз эмас.

Мирзо Улуғбек мамлакатта раҳбарлик қилган даврда Самарқанд ўрта аср илм-фанининг жаҳоншумул марказларидан бирига айланди. XV асрнинг биринчи ярмида Мирзо Улуғбек мунажжимлар мактабига асос солди, мадраса ва расадхоналар қурди. Унинг атрофида бутун бир илмий мас

кан — Улуғбек академияси таркиб топди. Ушбу академияда Фийсиддин Жамшид Қоший, Қозизода Румий, Али Қўччи каби машҳур олимлар етишиб чиқди. Улуғбек академиясида амалга оширилган ишлар жаҳон фан оламида тани олинди.

Конференциянинг Самарқанддаги ялпи йиғилиши айнан бобоклонимиз номи билан боғлиқ табарруқ даргоҳ — Улуғбек мадрасасида бўлиб ўтди.

Унда Қирғизистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий М.Жуманов, Украина мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Тамим, Россия мусулмонлари идораси раиси биринчи ўринбосари, Россия муфтийлар кенгаши давони раҳбари Харис Саубиянов, Халқаро ислом университети қошидаги Даъват академияси ректори Абдулжаббар Шоқир, Қозоғистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А. Дера

бесали, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи О.Юсуфов ва бошқалар ISESCO томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши Ўзбекистонда эътиқод эркинлигини таъминлаш, қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, аждодларнинг бой илмий ва маданий меросини ўрганиш борасида амалга оширилётган кенг қамровли ишларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлганини алоҳида таъкидладилар.

Асрлар оша турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўзаро тотув ва аҳилликда яшаётган Ўзбекистон ислом маданияти ва фалсафаси ривожига бемисл ҳисса қўшиб келётган мамлакатдир. Бунда қадимий Самарқанд шаҳрининг ҳам муносиб ўрни бор. Ушбу шаҳарда яшаб ўтган кўплаб мутафаккирлар қолдирган буюк маданий ва маънавий мерос бутун жаҳон аҳлида тобора катта қизиқиш уйғотапти.

Анжуманда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг ректори Т.Шириновнинг «Самарқанднинг ислом цивилизациясидаги ўрни» мавзусидаги маърузаси тингланди.

(Давоми 2-бетда).

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА


Ислам конференцияси ташкилоти Бош котиби Акмалуддин ЭҲСОҢ ўғли:

— Ислам конференцияси ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этиш ҳамда маданий ёдгорликларни, тарихий обидаларни, муқаддас қадимоларни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, таъмирлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида амалга оширилётган иш

ларни юксак қадрлайди. Ўзбекистонда аждодлардан қолган маданий ва маънавий меросни чўқур эҳтиром ва меҳр-муҳаббат билан қадрлашни юксак эътирофга лойиқ. Халқаро конференция жуда юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Анжуманга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар Ўзбекистонда таълим, фан ва маданият жаҳал ривожланиётганининг, юртингизда истиқлол йилларида бетимсол ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлдилар.

БИР ҲОВУЧ ДОН

Хўрадалардан ортиб қолган бир бўлак нонни олмоққа шайланган официантни ошхонага тамадди қилгани кирган улфатларнинг бири тўхтади. «Қўйинг, нон тура турсин!» деди. Шериклари унга саволомуз қарашган эди: «Бу ерда ортиб қолган нон бўлаги, сомса-ю, мантини ахлатга ташлаб юборишди. Бунинг турган-битгани увол. Яхшиши, шу бир бўлак нонни ўзим ея қоламан» дея изоҳ берган бўлди.



Унинг бу гапи беихтиёр М. Шолоховнинг машҳур «Инсон тақдирини» ҳикоясини ёдидан қайтарди. Урушда фашистлар қўлида асирликдан қочишга уринган асар қаҳрамони Андрей Соколов бугундоғизга етиб олган маҳал очликдан силласи қуриб, донни ҳовучлаб оғзига солади. Ҳикояда (фильмда ҳам) бир ҳовуч дон, бир бўлак нон қадрини кўрсатиб берувчи, бундай ҳаётий лавҳалар яна бор.

Шолохов қаҳрамони тутқунликда азоб чекаётган паллада минглаб қаҳирмон олисда — Ўзбекистонда, юртимиз шаҳар ва кишлоқларида ҳам бир ҳовуч дон, бир бўлак нон қадри беҳад баланд эди. Бу ҳақда

ёши бир жойга бориб қолган молларимиздан сўраб кўринг. Кўзларига ёш олиб, «Фалончи очликдан силласи қуриб, кун-жарани кўп еб қўйган, шилиб вафот этгани» дея эслашди. «Кимматчилик эмас, қадатчилик ёмон, болаларим» деб уруш йилларини ёдга олишди.

Хўрадалардан ортиб қолган бир бўлак нонни олмоққа шайланган официантни ошхонага тамадди қилгани кирган улфатларнинг бири тўхтади. «Қўйинг, нон тура турсин!» деди. Шериклари унга саволомуз қарашган эди: «Бу ерда ортиб қолган нон бўлаги, сомса-ю, мантини ахлатга ташлаб юборишди. Бунинг турган-битгани увол. Яхшиши, шу бир бўлак нонни ўзим ея қоламан» дея изоҳ берган бўлди.

Нон ҳақида сўз

илоҳий сўзларни тинглаб, фикрдувонлик Ибодулло бобонинг гапларини эслашимиз. — Утмишда Миролимбой деган бой ўтган, — дейди у киши. — Оч-юпун кишиларга имкон қадар қайишган. Кишлоқдошимиз Мўмин томорқачи уруғликка асраб қўйган донини ҳам тегирмонга тортиришга мажбур бўлган, Мир

олимбой ҳузурига келган. Ундан гапла экани дон сўраган. Бой йўқ дедиман. Аммо донни ун хисса қилиб қайтарсан, деб шарт қўйган. Шартга қўнмаса хонавайрон бўлиши муқаррар бўлган.

Мўмин томорқачи розилик билдирадиди ва Миролимбойдан қарзга олинган донни эклади. Яхши ҳосил олиш илҳида тиним билмай меҳнат қилади. Натيجаси ҳам шунга яраша бўлади. Томорқачи донни аравага юклаб Миролимбойнинг ҳузурига келди. Бой ун хисса кўп эмас, балки ўзи берган миқдордаги донни олиб қола

ди ва Мўмин томорқачига «Агар шундай шарт қўймаганимда хотиржам юриб, жонингизни жабборга бериб ишламасдинг. Энди бор, бола-чақанг билан меккинга ҳузурини кўр» дейди. Қаранг, Миролимбой бир меккинга ёрдан қўлини чўзиб, уни хонавайрон бўлишдан асраб қолди. Ҳақиммати билан унга дон ва нон қадрини ҳам эслаб қўйди.

— Дон етиштиришнинг ўзи бўлмайди, — дея мулоҳазалар юритади Вобкент туманидаги «Фуркат Саидобод» фермер хўжалиги раҳбари Фийс Нурulloев. — Ерни қишга тайёрлаш, уруғнинг беҳато унинг чиқиб кетишига эришиши, экинни вақтида сугориб, озиклантириш, ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш — булар озмуна меҳнатни талаб қилади, дейсизми? Асл дехон дон қадрини бошқалардан кўра теранроқ хис этади. «Даламдан кетгим келмайди» дейишнинг сабаби ҳам шунда.

Ҳақимнинг мулоҳазаси ўринли. Хирмон тўлиб дон тўкилиши учун қанчадан-қанча кишининг меҳнати сингиди, қанчадан-қанча киши ҳузур-ҳаловатдан воз кечади. Донини ҳамдан Аҳмад Дониш тўғри айтган: Дунёда захматсиз роҳат, ташвишсиз нёмат топилиши мумкин эмас. — Ҳеч кузатганимиз, — дейди Ибодулло бобо ўзига хос боқиш билан. — Донга ўч бўлмаган жонивор жуда кам. Чўм-чўк, майна, қаптар, мушона, ҳуллас, истаган қўшни олиб кўринг, бугундоғизда ўз ризқини «кўради». Чумоли-ю, сиқонни-ку қўй туринг, бошқа жониворларни айтмайсанми? Бу ҳам дон дунёдаги энг қадри нёмат эканини кўрсатади. Дарҳақиқат, дон дунёдаги бебаҳо нёмат. Дехон ақл-заковати билан етиштирилган бу нёмат тегирмончи-ю, новвойлар меҳнати билан дастурхонимизни бебаҳо турган ширмови наонларга айланади. Доннинг ҳар бошоғи, ҳар ҳовучи қадрланган заминдан қут-баракат аримайди.

Истам ИБРОҲИМОВ.

2007 йилнинг ўтган ярим йиллигида республикамизда ташқи савдо айланмаси 26,3 фоизга ўсди.

Иқтисодийнинг экспорт салоҳиятини жаҳал ривожлантириш, рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқаришни изчил давом эттириш, айниқса, сизик-овқат ва истеъмол товарлари, энергия манбалари ва нефть махсулотлари, қора ва рангли металлургия прокати, машина ва ускуналар экспортни ҳажми ошгани бунинг муҳим омилли бўлди.

МАМЛАКАТ буйлаб

Меҳрибонлик уйдан — халқаро фестивалга

Қамаши туманидаги 4-Меҳрибонлик уйининг 62 нафар тарбияланувчиси Туркиянинг Анкара шаҳрида бўлиб ўтган IX халқаро ёшлар фестивалида иштирок этишди.

■ 9 кун мобайнида 51 мамлакатдан келган ёшлар қўшиқ ва рақс ижро этиш ҳамда спортнинг бир неча тури бўйича беллашдилар. Қамашлиқлар футбол бўйича иккинчи, волейбол бўйича учинчи ўринни эгаллашди.

Фестивалда қатнашиш билан боғлиқ барча харажатларни Шўртан газ-кимё маҳмуи ўз зиммасига олди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркор аёлларга микрокредит

Шовот туманида бугунга келиб, тадбиркор аёллар 778 нафарни ташкил этмоқда.

Уларнинг аксарияти тикучилик, тўқувчилик, қандолатчилик, зардўзлик каби соҳаларда фаолият олиб бормоқдалар.

Бу йил уларнинг 40 нафарига ўз фаолият доираларини кенгайтиришлари учун 48 миллион сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Сизга ишонамиз Ватанни»

Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши Олот тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда Н-ҳарбий қисмида ўтказган тадбир ана шундай номланди.

Учрашувда сўз олганлар истиқлол йилларида қўлга киритилган улуғлар ҳақида алоҳида тўхталиб, Ватан сарҳадларини қўриқлаётган юрт ўғлонлари шаънига илиқ сўзлар билдиришди.

Тадбирда ҳарбий хизматни ўташда алоҳида ўрнатилган аскарларга эсдалик совғалари топширилди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Наргиза — энг яхши ҳамшира

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика ҳамширалар ассоциацияси томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг яхши ҳамшираси» кўрик-танловининг Жиззах вилоят босқичи натоқисига өтди.

Вилоятда бугунги кунда 9 минг 600 нафардан зиёд ҳамшира аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг билим ва малакасини доимий ошириб бориш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси қошида ўқув курси очилган.

Туман марказий шифохоналарида турли ўқув-семинарлари ташкил этилмоқда.

— Мазкур танлов ҳамшираларнинг лаёқати ва маҳорати олдинги йилларга қараганда анча ошганини кўрсатди, — дейди Республика ҳамширалар ассоциацияси вилоят бўлими раҳбари Дилбар Салимова. — Барча иштирокчилар назарий, амалий шартларни пухта бажарди.

Галларол туман марказий шифохонаси ҳамшираси Наргиза Эгамбердиева голибликни қўлга киритди. Кейинги ўринларни Республика гинекология ва акушерлик илмий-тектириш институти Жиззах филиали ҳамшираси Гулбахор Салимова ҳамда вилоят эндокринология диспансери ҳамшираси Дилфуза Аширматова эгаллади.

Т. БЕКНАЗАРОВ,
Ў.А. мухбири.

Ўзимизнинг «Исузи»

Ҳўжайли туманидаги автокорхона жамоаси йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини кўтариш билан бирга асосий йўналишлар сонини икки бараварга кўпайтирди.

■ Бунга 20 та «Исузи» русумли автобуслар харид қилинганлиги туфайли эришилди.

Йўловчилар янги автобусда туман марказидан Нукус, Тахиятош, Шуманай, Қангликул, Қўнирот каби йўналишларда ўз манзилларига тезда етиб олмақда.

Янгибой ҚўЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Корхонанинг хайрли юмушлари

«Олмалиқметаллургия қурилиш» трести бундан салгина олдин шаҳарнинг Амир Темури номидаги марказий кўчасини ва даҳалар ичидagi йўлакларни қайта асфальтлаш, ободонлаштириш ва кукаламзорлаштиришга, шунингдек, салкам уч километр узунликдаги иссиқлик қувурларини алмаштиришга ҳисса қўшган эди.

■ Корхона яқинда яна бир хайрли юмушга бош-қош бўлди. «Анқур» маъмулиятли чекланган жамияти билан ҳам-хатликда иш тутиб, Оҳангарон шаҳрида жойлашган қариялар уйини мукамал таъмирдан чиқарди. Эзгу мақсадлар учун иккала ташкилот томонидан бир миллиард сўмликдан зиёд маблағ харқланди.

Абдуноби ҲАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси олдида

Ҳозирда Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси аъзолари «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳар томонлама муҳокама қилиб, навбатдаги ялпи мажлисга тақдим этишга ҳозирлик кўрмоқда.

Мазкур кўмита аъзоси, Чортоқ тиббиёт коллежи директори Марҳабат БОЛТАБОВЕАДАН ушбу Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга нималар сабаб бўлгани хусусида сўзлаб беришини сўрадик.

тиш ҳам муҳим тўлдиришлардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда товар белгиси Ан-пелаяция кенгашининг қарорига қўра, ҳаммага маълум деб эътироф этилиши қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган, аммо, ҳаммага маълум то-вар белгисининг ҳуқуқий мақоми, яъни қандай товар белгиси ҳаммага маълум товар белгиси деб эътироф этилиши мумкинлиги аниқланмаган.

дан муттасил фойдаланилиши нати-жасида улар ариза-да кўрсатилган са-надаги ҳолатга қўра, мазкур шахснинг товарлар хусусида-ги Ўзбекистон Рес-публикасида тегиш-ли истеъмолчилар орасида кенг танил-



БЕЛГИЛАР ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА МОС ҲИМОЯЛАНАДИ

— Амалдаги «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳажонининг етакчи мамлакатлари ҳуқуқий меъёрларига мос келади. Аммо товар белгилари соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомил-лаштириш заруратини келтириб чи-қарган бир қатор сабаблар мавжуд.

Ўзбекистон ҳам ривожланаётган давлатлар қатори Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга интилиб келмоқда. Бунинг учун, аввало, мил-лий қонунчилигимизни босқичма-бос-қич тарзда ана шу нуфузли ташкилот талабларига мослаштириб бориш ло-зим.

Бу йўлда биринчи навбатда, Ўзбе-кистоннинг Интеллектуал мулк ҳуқуқлари савдо жихатлари бўйича Битим, Белгиларни халқаро рўйхат-дан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид би-тимига доир Баённомага қўшилган-

лиги, шу билан бирга, мамлаката-мининг Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси, Товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисидаги шартнома каби халқаро шартномаларда иштирок этиши ҳуж-жатга туртки бери.

Қонунга ҳаммага маълум товар белгиларининг ҳуқуқий мақоми тўғри-сидаги қоидаларни киритиш, халқаро рўйхатдан ўтказилганлигини миллий рўйхатдан ўтказилганлигига ўзгарти-риш имконияти каби ўзгартишлар та-қлиб қилинапти. Бундан ташқари, Қонунда Ўзбекистон Республикаси-дан муҳофазат идораси процедура-ларини амалга ошириш мuddатларини қисқартириш ва бошқа бир қатор нор-мақарарли ўзгартишлар киритиш ҳам назарда тутилган.

Қонун матнига ҳаммага маълум то-вар белгиларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қоидаларни кирит-

Унга берилаётган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми ҳам кўрсатилмаган.

Шу муносабат билан «Товар бел-гилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республи-каси Қонунига киритилаётган ўзгар-тиш ва қўшимчаларнинг асосини ҳам-мага маълум бўлган товар белги-ларининг ҳуқуқий мақоми ҳақидаги қоидалар ташкил этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказиш асосида ёки Ўзбе-кистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ мамлаката-минг ҳудудида рўйхатдан ўтказилмас-дан муҳофазат қилинадиган товар бел-гиси, шунингдек, товар белгиси си-фатида фойдаланиладиган, лекин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳуқуқий муҳофазатга эга бўлмаган белгидир. Юридик ёки жисмоний шахснинг аризасига биноан, агар бун-дай товар белгиларидан ёки белги-

ган бўлса, ҳаммага маълум товар белгиси деб эътироф этилиши мумкин.

Қонунда ваколатли давлат идора-сининг (Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси) ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини юри-тиш ва товар белгиларини ҳаммага маълум деб эътироф этилиши тўғри-сидаги маълумотларни эълон қилиш-га доир вазифалари мустақамлашиб қўйилмоқда.

Мадрид битимига доир Баёнма-нининг 9-моддаси қоидаларини таъ-минлаш, яъни юқорида кўрсатиб ўтил-ган халқаро шартнома асосида му-ҳофазат берилган товар белгисининг амал қилиши тугатилган ҳолларда Ўзбекистонда товар белгисига ҳуқуқий муҳофазат олиш имкониятини таъмин-лаш ҳамда Ўзбекистонда товар белгисига муҳофазат олишда унинг устуворлик санасини сақлаб қолишда имкониятини таъминлаш мақсадида

8- ва 12-моддаларига тегишли қўшимчалар киритилмоқда.

Талабнома берувчининг сўроғга жавоби ёки белгиланган мuddатни узайтириш тўғрисидаги илтимоснома-си мавжуд бўлмаганда талабнома-нинг ҳуқуқий мақомидаги ноаниқлик-ни бартараф қилиш учун 13-модда 5-қисмининг амалдаги таҳририга қўшимча киритилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари томо-нидан товар белгиларига бўлган мут-лак ҳуқуқларни олишни жаддаллашти-риш мақсадида товар белгиларини давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш ва гувоҳномаларни бериш мuddатла-ри қисқартирилмоқда.

Товар белгиси рўйхатдан ўтказил-ганлиги бўйича низо келиб чиққан тақдирда товарларнинг ҳуқуқий ҳолат-дан муҳофазат қилинганлиги низола-шилмаётган қисмига нисбатан рўйхатдан ўтказилмаганлигини сақлаб қолишга имкон беради.

Бундан ташқари, товар белгисига доир гувоҳномани ҳақиқий эмас, деб эътироф этилган ваколатли орган-ларни аниқлашда мавжуд маҳкумларни бартараф қилиш мақсадида қонун-га ўзгартишлар киритилмоқда.

Мазкур қонуннинг қўнға кириши халқаро шартномалар талабларига миллий қонунчилигимизнинг тўла мос келишини таъминлайди.

«Халқ сўзи» мухбири
Ю. БҮРОНОВ эътибор олди.

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ

Тошлоқ туманидаги «Мўътабар» хусусий фермерлар кооператив жамиятида Голландия технологияси асосида сутни қайта ишловчи мини завод фаолият кўрсатмоқда. Мазкур корхона кунига икки минг литр сутни қайта ишлаш қувватига эга. Бу ерда тайёрланаётган қаймоқ, сметана, пишлок, йогурт, сариг, бринза, творог ва бошқа маҳсулотлар сифати билан аллақачон ўз харидорини топган.

Корхонани тумандаги «Оқ чашма», «Жайрон», «Тоштемиров», «Ураймжон» чорвачиликка иктисослаш-ган фермер ҳўжаликлари сут билан таъминламоқда. — Корхонамиз иқтисодий жиҳатдан йилдан-йилга мустақамлашиб бормоқда, — дейди «Мўътабар» ху-сусий фермерлар кооператив жамияти раҳбари Аб-духамид Норматов. — Биргина 2006 йилда 300 тонна сут қайта ишланди, 12 тонна пишлок, 11 тонна сме-тана, 22 тонна творог ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Хайр-саховатда ҳижмат қўлу. Шу боис Ме-хрибонлик уйлари, ноғиронлар, кам таъминланган оила-ларга ҳўмийлик ёрдами кўрсатяптиз.

СУРАТЛАРДА: «Мўътабар» хусусий фер-мерлар кооператив жамияти ишчилари Гулҳебра Мўйдинова ва Санобар Мўйдинова. Муқимжон ҚОДИРОВ (Ў.А) олган суратлар.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳолининг кам таъминлан-ган қатламини қўллаб-қувватлаш, хусусан, Меҳрибонлик уйларида, махсус мактаб-интернат-ларда тарбияланаётган болақонларнинг ҳар томонлама камол топиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда.

БОЛАЛАР УЧУН ЗАМОНАВИЙ АВТОБУСЛАР

Айниқса, жорий йилнинг мамлакатимиз раҳбари то-монидан Ижтимоий ҳўмоия йили, деб эълон қилиниши муносабати билан бу бо-радаги ишлар самарадор-лиги янада ортиди.

Ватанимиз мустақилли-гининг 16 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тизимидаги Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларга Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган 28 та ав-тобус топширилгани ҳам ана шундай ибратли ишлар сирасига кирди.

Мазкур автобуслардан бир қисми Навоий вилоят-ида фаолият кўрсатаётган Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари учун ажратилди. Автобусларни уларга топшириш мароси-ми катта тантангага айлан-иб кетди. Маросимда сўзга чиққанлар ортимизда ёш авлод таълим-тар-биясига жуда катта эъти-бор қаратилётгани, уларнинг соғлом воғая етиши, замон талаблари даража-сида билан олиши, спорт билан шўгулланиши учун барча имкониятлар яратиб берилаётгани хусусида тўхталиб, бундай юксак эътибор учун Президентимизга миннатдорлик бил-дирилди.

— Ўзимиз учун ажратил-ган автобусни кўриб жуда хурсанд бўлдик, — дейди Навоий шаҳридаги Меҳри-бонлик уйи тарбияланувчи-си Дилшод Эшмуродов. — Энди юздан зиёд тарбия-ланувчи, тарбиячи ва му-раббийларимизнинг ҳам узоғи ақин бўлади. Бу ав-тобусда юртимизнинг диқ-катта сазовор жойларига, қадимий ва навқирон ша-ҳарларимизни зиёрат қилишга бораемиз.

Шунингдек, Зарафшон шаҳридаги «Шодлик» Меҳ-рибонлик уйи, Қармана ту-манидаги 25-сонли, Қизил-тепа туманидаги 36-сонли махсус мактаб-интернат-ларга ҳам замонавий ав-тобусларнинг қалити топ-ширилди.

Тадбирлар таниқли санъаткорлар ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари ик-кросидаги куй-қўшиқларга уланиб кетди.

Ёркул УМАР,
Ў.А. мухбири.

Гулном МИРЗО,
Гўлиб ҲАСАНОВ,
Ў.А. махсус мухбири.



САМАРҚАНДНИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДАГИ ЎРНИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Мотуридий дафн этилган Чокориджа қабристонини ҳудуди-даги алломанинг мазорига мақбара қуриди, қабристон обод этилди. Утган йиллар да-вомида Мирзо Улуғбек, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Хожа Аҳрор Валий сингари буюк аждодларимизнинг та-валлуд айёмлари муносабати билан уларнинг муқаддас қадамжолари обод, гўзал ва бетакор маканларга айлан-тирилди.

Айниқса, 1996 йилда Сохи-бқирон Амир Темури таваллу-дининг 660 йиллик тантанала-ри муносабати билан Самар-қанд янада кўркам қиёфа касб этди. Бу ерда улук бобомиз-нинг салобатли ҳайкали қад ростлади. Президентимизнинг фармонига биноан ўша йил-нинг 18 октябрь кўни Самар-

қанд шаҳрига Амир Темури ор-дени топширилди. Бу — Самарқанднинг Ватанимиз та-рихида тугган беқиёс ўрни, са-марқандликларнинг миллий фан ва маданиятимизни ри-вожлантиришга қўшган буюк ҳиссасининг муносиб эътиро-фидир. Юртобшомизнинг тақ-лифига биноан бу кун юрти-мизда Самарқанд кўни сифа-тида нишонлаб келинмоқда.

Самарқандда халқаро анжу-манлар ўтказиш аънаънага ай-ланган. Хусусан, «Шарқ та-роналари» халқаро мусиқа фестивали, шунингдек, ушбу нуфузли халқаро илмий-амал-ий конференциянинг давоми Самарқанд шаҳрида ўтказили-шида катта маъно бор.

Конференция яқунлари бўйича матбуот анжумани таш-кил этилди. Шунинг таъкидлаш

жоизки, ушбу халқаро анжу-мани еришти учун мамлаката-тимиз ва хориж оммавий ақ-борот воситаларидан юздан ортиқ вакил қатнашди. Журна-листларга халқаро конферен-циянинг Тошкент ва Самар-қандда бўлиб ўтган йилги иш-лари давомида муҳокاما қилинган масалалар юзасидан атрафича маълумот берилди.

2007 йилда Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши бежиз эмас. Самарқандда бўлиб ўтган та-лашда ИСЕСО аввало Ўзбекистон раҳбарининг ўзбек халқининг маданий ва манъавий қадри-ятларини қайта тиклаш, ислом маданиятини янада бойитиш, ислом цивилизацияси ёдгор-ликларини асраб-авайлашга қаратилган сайё-харакатларини алоҳида эътиборга олган.

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амр МУСО:

— Халқаро конференция халқаро ва маданий ҳаётдаги улкан воқеа бўлганлигини қайд эт-моқчиман. Тошкентнинг 2007 йилда ислом ма-данияти пойтахти деб эълон қилиниши бежиз эмас. Зеро, ушбу гўзал ўлкада етишиб чиққан алломаларнинг ижоди ва фаолияти, улар қол-дирган бой маънавий, маърифий ва маданий меросининг бебаҳолигини дунё ақли тани олган. Мамлакатимиз миллий қадриятларини тик-лаш ва мустақамлаш, урф-одатларини ва анъ-аналарини изчил давом эттириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар орқали дунёнинг энг мутараққий давлатлари сафидан мустақам жой олаётганини намўён этмоқда.

Кавказ мусулмонлари диний идора-си раиси, Озарбойжон муфтийси Оллохшўкр ПОШШАЗОДА:

— Мамлакатимизга сўнгги бор бундан ўн йил аввал келган эдим. Мазкур таширфим ас-

носида Тошкентни сайр қилар эканман, унинг таниб бўлмас даражада ўзгариб, ўзгача чирой очиб кетганини кўриб, лол қолдим.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов раҳ-наволигида нафақат ижтимоий-маданий, сиёсий, иқтисодий соҳаларнинг ривожланишига, балки мамлакатимизда эътиқод эркинлигини ва диний бағрикенгликни таъминлашга алоҳи-да эътибор қаратилётгани таъжубга лойиқ.


Ўзбекистон — Оллох назари тушган юрт. Бундай юртининг ҳаёт тарзи тинч, осойишта, хо-надонлари файзли, дастурхони тўкин, инсонла-ри бағрикенг бўлади. Халқимиз мустақилликка эришган, мамлакатимизда қисқа давр ичида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Яратилган юртинингизнинг келгусида янада та-раққий этиши ва гуллаб-яшнашини сўрайман!

Ў.А. мухбирлари
Ноҳира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА
сўзбатовлашди.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Хунрезлик




Ироқнинг Сурия билан чегара ҳудудида жойлашган Санжар шаҳри яқинидаги учта аҳоли пунктида бир вақтнинг ўзида тўртта ёнлиг ташувчи машина портлатиб юборилди.

Al-Jazeera телеканали хабарларига қараганда, портлаш натижасида 500 нафар одам жабр кўрган. Аввалроқ ҳарбийлар 175 киши ҳалок бўлгани ва 200 киши жароҳатланганини айтишган эди.

Жабрланганларга, асосан, Ироқ ва АҚШ ҳарбийлари ёрдам кўрсатмоқда. ИТАР-ТАСС хабарида келтирилишича, жабрланганлар шунчалик кўпки, уларни касалхоналарга ситдириб бўлмаётти.

Тўфон хавфи

АҚШнинг Гавайи оролларида «Флосси» тропик тўфони яқинлашиб келмоқда. Баҳорларга кўра, бу ерда кучли ёмғир ёғиб, соатига 150 километр тезликдаги бўрон эса бошлайди.




Эслатиб ўтамиз, Гавайи оролларида 150 минг аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда охириги марта 1992 йилда тўфон бўлган эди. Ушундан 6 нафар аҳоли вафот этган. Тўфон мамлакатга 2,5 миллиард долларлик зарар етказган.

Шотландия мустақил бўладими?

Яқин вақт ичида Шотландияда мустақиллик учун референдум ўтказилиши мумкин. Бу ҳақда Шотландия иқроия ҳокимияти бошлиғи, Шотландия миллий партияси етакчиси Алекс Сэлмонд гапларига таъиниб ВВС хабар тарқатди.

Лейбористлар, консерватив ва либерал-демократик партиялар вакиллари бу гоёга қарши чиқишмоқда. Фақат ашилар партиясига Алекс Сэлмонд таклифини қўллаб-қувватлаётти.

25 фоизга камаяди



Яқин йилларда дунёда олмос қазиб олиш миқдори 25 фоизга қисқаради. Натихада бу ноёб металлга бўлган талаб кучаяди ва унинг нархи ошади кетиши мумкин.

Олимнинг айтишича, олмос қазиб олиш 2010 йилдан бошлаб кескин камай бошлайди. Бу жараён Россиядан ташқари, Жанубий Африка ва Канадада ҳам кузатилади.

Сифатсиз молларга йўл йўқ

АҚШ маъмурияти Жаҳон савдо ташкилотидан Хитойга босим ўтказишни талаб қилди. Гап шундаки, кейинги йилларда Хитойда ишлаб чиқарилган сифатсиз моллар жаҳон бозорини эгаллаб олмоқда.


АҚШнинг савдо музокаралари бўйича вакили матбуот котиби Шон Спейсернинг таъкидлашича, расмий Вашингтон бу масалани ЖСТ доирасида муҳокама қилишга тайёр. Унинг қайд этишича, Хитой ҳукумати томонидан сўнгги йилларда муаммони ҳал этиш йўлида бир қанча ишлар амалга оширилди. Лекин булар ҳали етарли эмас. АҚШ сифатсиз моллар ишлаб чиқарувчиларга нисбатан жиддий чоралар қўрилиши тарафдори.

Марказ қулаб тушди

Қозғоқнинг Оқтов шаҳрида тўрт қаватли кўрғазмалар маркази қурилаётган эди. Сешанба кунги кўркурун шу бинонинг чап қаноти қулаб тушди. Бу ҳақда «Интерфакс» хабар тарқатди.

Ҳалокат оқибатида бир киши вафот этди, уч киши тан жароҳати олди. Шифокорларнинг таъкидлашича, уларнинг аҳволи оғир. Бино қулаган жойда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

Кемани таъмирлаш кечикаяпти



Таъмирлаб бериш мажбуриятини олганда, Лекин таъмирлаш ишлари кечикаяпти. Шу муносабат билан Ҳиндистоннинг Россиядаги элчиси Канвал Сибал матбуот анжумани ўтказди. Россия томонидан шартномани вақтида бажаришни талаб қилди. Элчи Ҳиндистон учун ушбу шартнома жуда муҳим эканлигини таъкидлади. Чунки авианосец ишга тушса, Ҳиндистон Россиядан 21 та МиГ-29 самолётларини ҳам сотиб олади.

Болалар заҳарланишди

Новгород вилоятининг Срежня Ловат қишлоғида жойлашган «Лесная сказка» лагерига дам олаётган болаларнинг 124 нафарига бирдангина тиббий ёрдам кўрсатилди. Бунга сабаб уларнинг ҳаммаси овқатдан заҳарланган. Тўрт нафар бола эса дарҳол туман юкумили касалликлар шифохонасига ётқизилди. Тиббиётчилар ҳозирда болалар нимадан заҳарланганини аниқлашмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ҳадемай далаларда пахта йиғим-терими бошланади. Бободехқоннинг кунни тунга, тунни тонга улаб қилган меҳнати бугун кўзга кўрина бошлади. Пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш ва қайта ишлашда «Пахтаसानоат» ҳудудий бирлашмаларининг фаолияти алоҳида аҳамиятга молик. Ҳозирги кунда улар мавсумга пухта тайёргарлик ишларини бошлаб юборишган.

Ўтган йили корхонада туман чўлларида етиштирилган 40 минг тоннадан зиёд, шунингдек, қўшни Қўзирқ туманидан келтирилган 2 минг тоннадан ортиқ пахта қайта ишланиб, ундан 13 минг 517 тонна сифатли тола ажратиб олинди. Толодан чиққан 21 минг 163 тонна чигит эса қайта ишлаш учун Денов 8-мой заводига юборилди. Шунингдек, 272 тонна уруғлик чигит тайёрлашга эришилди. Корхонада йилига 60 минг тоннага яқин маҳсулотни қайта ишлаш имконияти мавжуд. Шу-



ДАЛАДАГИСИ ЭМАС, ОМБОРДАГИСИ ҲИСОБ



Айни кунларда Шеробод туман пахта тозалаш корхонасида ҳам барча мавжуд воситалар пахта ҳосилини қабул қилишга ҳозирлаб қўйилган. Шу кунларда бу ерда етмиш мингдан ортиқ этак, шунингдек, пахтани қабул қилиш масканларида ишлатиш ва автоуловларнинг устига ёпиш учун етти мингдан зиёд шолча тахт қилиб қўйилди. Шунингдек, Шеробод туман ҳудуди чўл зонаси бўлгани боис ҳар йили пахта йиғим-теримига оғланадиган ҳашарчиларнинг аксарияти бу ерга келишади. Шаҳар ва туман марказларидан келадиган ёрдамчиларни жойлаштириш учун ҳам шийонларда барча шарт-шароитлар яратиб қўйилган.

Бу йил туманда 16 минг 495 гектар ерга «Бухоро-6» ҳамда «Термиз-31» навли пахта экилди. Чигит ерга қадалиб етиштирилган ҳосил саранжомлаб олингунга қадар деҳқонлар билан бир қаторда корхона хизматчилари ҳам елкама-елка туриб меҳнат қилишади. Корхонада учта агроном бўлиб улар ўзларига бириктирилган ҳудудларга бориб далалардаги ғўзаларни доимий мониторингдан ўтказиб турдилар. Чўнони, ғўзаларга ўз вақтида ишлов бериш, шарбат суви билан сугориш, минерал ўғитлар таъминоти, қўсақ қуртига қарши кураш — буларнинг барча-барчаси уларнинг қатъий назорати остига олинган.

Қайта ишлаш саноати

дан анча устун экан. Боз устига тола ажратиш, электр энергияни тежаш каби янги технологияларни жорий этишимиз бу борадаги изланишларимизнинг уфқлари ҳали чексиз эканлигидан далolat бермоқда.

Корхонада олтига ишлаб чиқариш бригадаси мавжуд бўлиб, улар уч сменада ишлашади. «Ўзбекистон», «Талаш-қор», «Нуридин Муродов» каби олис-олис ҳудудларда жами бешта пахта қабул қилиш масканлари ташкил этилган. Бундан мақсад деҳқон-фермер хўжаликларини пахтага узоқ масофаларга ташиб, сарсон қилмаслик ва йўл харажатларини тежаш қўлишдан иборат.

Жамоада ёшларни ишга қабул қилиш, уларга иш ўргатиш борасида ҳам талайгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Корхонанинг шундоқки-


на пойида жойлашган саноат коллежи битирувчиларидан 35 нафар йигит-қиз бу ерга ишга тақлиф этилди. Шунингдек, кейинги йилларда туман ҳудудидаги пахта экиладиган майдонларни шўр босганлиги боис анча мушкул ҳолатларга дуч келинганлиги ҳам рост. Бироқ изланиш ва ташаббускорлик, энг муҳими, ҳукумат ёрдами тўғрисида бу муаммолар бартараф этилмоқда. Натихада ўтган йили 2005 йилга нисбатан 10 минг тонна кўп пахта тайёрланиб 14 миллиард 788 миллион сўм даромад олишга эришилди. Соф фойда эса 331 миллион сўмни ташкил этди. Бу ютуқларда, албатта, пахта тозалаш корхонасининг ҳам муносиб улуши бор.

Абди ҚОДИРОВ. 1



МУНОСИБ ТУҲФА

Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан адибнинг «Танланган асарлар»и ва Кибрий Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас» деб номланган хотира китоби чоп этилди.



«Танланган асарлар»дан жой олган ва турли йилларда ёзилган ҳикоялар, хотиралар ва адабий-танқидий мақолаларни профессор Наим Қаримов тўплаб, нашрга тайёрлаган. «Чорак аср ҳамнафас» хотиралар тўпламида эса китобхон Абдулла Қаҳҳорнинг инсоний ва ибратли фаилатлари, ҳаёти ҳамда ижодида доир қизиқарли воқеа-ҳодисалар билан танишиши мумкин.

Г. ЙЎЛДОШЕВА.



Тендер танловида иштирок этиш учун таклиф

Сана — 2007 йил 13 август. Кредит № — UZB-20. Лойиҳа номи — Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш.

Халқаро тендер танлови

- 1. Ислоҳ тараққиёт банки (ИТБ) томонидан «Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш» лойиҳасини амалга ошириш ва молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига имтиёзли кредит ажратилган бўлиб, ушбу маблағнинг маълум бир қисми қуйида келтирилган умумтаълим мактабларининг қурилиши билан боғлиқ шартнома доирасидаги тўловларни амалга ошириш учун кўзда тутилган. Тендер савдоларида ИТБнинг махсулот ва хизматлар харид қилиш йўриқномасига мувофиқ ИТБга аъзо барча давлатлар ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.
- 2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги барча қонуний ҳуқуққа эга бўлган ташкилот ва фирмалардан қуйидаги объектларнинг қурилиши бўйича муҳрланган таклифларни қабул қилади:

- Лот-1. Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё туманидаги 35-сонли мактаб қурилиши.
- Лот-2. Қорақалпоғистон Республикаси, Кўнғирот туманидаги 46-сонли мактаб қурилиши.
- Лот-3. Андижон вилояти, Андижон туманидаги 29-сонли мактаб қурилиши.
- Лот-4. Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги 53-сонли мактаб қурилиши.
- Лот-5. Қашқадарё вилояти, Чирокчи туманидаги 100-сонли мактаб қурилиши.
- Лот-6. Қашқадарё вилояти, Чирокчи туманидаги 121-сонли мактаб қурилиши.
- Лот-7. Қашқадарё вилояти, Яқкабоғ туманидаги 42-сонли мактаб қурилиши.
- Лот-8. Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги 62-сонли мактаб қурилиши.
- Лот-9. Самарқанд вилояти, Тайлоқ туманидаги 28-сонли мактаб қурилиши.
- Лот-10. Сурхондарё вилояти, Музрабод туманидаги 25-сонли мактаб қурилиши.
- Лот-11. Сурхондарё вилояти, Узун туманидаги 31-сонли мактаб қурилиши.
- Лот-12. Тошкент вилояти, Охангон туманидаги 4-сонли мактаб қурилиши.
- Лот-13. Тошкент вилояти, Бўка туманидаги 23-сонли мактаб қурилиши.
- Лот-14. Фарғона вилояти, Охунбобоев тумани, Ойимча қишлоғидаги янги мактаб қурилиши.
- Лот-15. Фарғона вилояти, Фуркат тумани, Фирри қишлоғидаги янги мактаб қурилиши.

- 3. Тендер ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида фаолият олиб бораётган Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи (Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй. Телефонлар: 139-17-05, 139-46-50)дан олиш мумкин. Тендер ҳужжатларининг ҳар бир тўплами учун ҳар қандай ҳолда қайтариб берилмайдиган 200 АҚШ доллари (маҳаллий иштирокчилар учун пул ўтказилаётган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича сўмдаги қийматида) миқдоридидаги тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги тўлов талабномаси тақдим этилгандан сўнг олиш мумкин.
- 4. Тендер таклифлари танлов эълон қилингандан бошлаб 90 кун давомида ҳақиқий ҳисобланади. Иштирокчилар ўз таклиф ҳужжатлари билан бирга таклиф этилаётган нархнинг 2 фоизи миқдоридидаги кафолат маблағи мавжудлигини тасдиқловчи банк маълумотномасини ҳам тақдим этишлари лозим. Тендер ҳужжатлари (танловнинг ёпилиши 2007 йил 15 сентябрга мўлжалланмоқда) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи томонидан қабул қилинади. (Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй. Телефонлар: 139-17-05, 139-46-50.). Тендер ҳужжатлари ушбу халқаро тендер танлови қатнашчилари вакиллари иштирокида очилади.
- 5. Таклифларни баҳолаш жараёнида маҳаллий иштирокчилар 10 фоизли устама олиш имкониятига эга бўладилар.

Манзил: 100078, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 107-хона. Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи менежери Фаязов Джемшед эътиборига. Телефон: +998 71 139-46-50. Факс: +998 71 139-17-05. E-mail: uzb_020@yahoo.com

БАНДЛИК ДАРАЖАСИ ЎСМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 6 апрелда қабул қилинган «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори асосида Сурхондарё вилоятида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, йилнинг ўтган даврида 42 мартаба бўш иш ўринлари ярамқаси ташкил этилди. Ярамқаси ташкил этилди. Ярамқаси ташкил этилди. Ярамқаси ташкил этилди.

Бўш иш ўринларини тақлиф этди. Шу кунга яна қарийб 200 киши ишли бўлди.

— Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежини тамомлаганман, — дейди Отабек Сафаров. — Ярамқасида қатнашиб, бўш иш ўринлари билан танишимди. За-

монвий усуқларни ёрдамида гилам ишлаб чиқаришга истисослашган «Технотекс» қўшма корхонасида яратилган шароит ва қулайликлар менга маъқул бўлди. Мазкур корхонада ишлаш учун йўлланма олдим.

Х. МАМАТРАЙИМОВ, Ўза муҳбири.

2007 йил — ИЖТИМОЙ ХИМОЯ йили

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ BELARUS MTZ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни тақлиф этади. Махсулот сертификатланган. AKAMMAZ ARSENAL. Тошкент ш., «Братислава» к., 11. Тел./факс: 281-40-75, 281-40-90, 281-40-33. Сайт: www.uzkam.com

ОТАГА ЭРГАШМОҚ

Дунёда одамлар суянадиган, ўзлари учун маънавий куч-қудрат оладиган ва умр бўйи ана шу маърифий мезонга содиқ қоладиган омиллар мавжуд. Бу омиллар орасида ота-она ибрати энг олдинги қаторда туради. Фарзанд ота-онанинг хатти-ҳаракати, гапириш оҳанги, одамларга ва атроф-муҳитга бўлган манфий ёки мусбат таъсири муносабатидан андоза олади, шу тахлит яшашга ўрганади.

**мубораққидир,
агар у покиза
ва равои
манзилга
бошласа...**

Маънавий соғлом оилада болалар ҳам жисмонан бардам, бақувват ўсадилар. Ва аксинча, ранж-алам, жоҳиллик, ахлоқсизлик ботқоқдаги хонадон фарзандлари ҳам жисман, ҳам маънан мажруҳ бўлиб воёга етдилар. Биз бу ҳолатни ҳали ўн гулдан бир гули очилмаган гўлжонлик Солижон Саидовнинг аянчи турмуши мисолида кўрдик. Қирқ ёшнинг остонасидаги бу йигит ўз қилмишлари учун етти ярим йилга «кесилди». Унинг қўлида гулдай ҳунари — дурадгорлиги бўла туриб, эгри йўлга кирди. Аникроги, унинг бу йўлга киришига отаси Фозил Саидов сабабчи бўлди. Қовун қовундан ранг олар. Солижон ҳам падари бузруқвори Фозил отанинг этагидан тутиб... чоғга кулади.

Табиики, бундай ҳолларда қилни қирқ ёручи суд ҳайъати воқеани обдон ўрганиши, айбдорларни қилмишларига яраша қатъий жазолаши равшан. Аммо жиноятчиларнинг то шундай ҳолатга келиб тушишларини томошабин сифатида кузатиб турган одамларга — маҳалла-қўй оқсоқоллари ва кайонилари, маҳтаб маъмурлари, профилактика нозирларига қандай жазо бор? Биз ҳар доим саҳнадагиларни кўрамизу саҳна ортдагиларни мулқлақ унутамиз. Ваҳоланки, уларнинг мазкур саҳнага чиқишида, истаимизми-йўқми, бизнинг ҳам маълум маънода «хиссамиз» бор. Билъакс, Тойлоқ туманидаги Шопўлат қишлоғида яшовчи Турсунтош Абдурахмонованинг бошига ҳам бундай қора кунлар тушмаган бўларди.

Гийҳвандлик — иллат


Самарқанд-Хоразм йўналиши бўйича ҳаракатланаётган давлат белгиси 14 Ај 489 бўлган «Мерседес-бенц» русумли автобус Бухоро вилояти ЙХҲБ ходимлари томонидан текширилганда, Т. Абдурахмоновга тегишли бўлган полизтилендан ясалган кўл сумкасида 1942 грамм бўлган кўп миқдордаги «героин» гийҳвандлик воситаси топилди.

Уттиз ёшдан эндигина ўтган Турсунтош икки норасида фарзандини чиқариб, 9 йилга панжара ортига «саёҳат»га кетди. У судда ўзига қўйилган айбларга тўла иқдор бўлди ва нафс илинжида ана шундай учи-кети йўқ ўргимчак турғай тушиб қолганлигидан пушаймонлигини билдирди. Аммо... энди анча кеч. Энди судда ўзи номини тилга олган тожикистонлик дугонаси Мархабо исмли аёл ҳам, тақсими танниши Ш. Норкулов ҳам унинг жонига оро киролмайдди. Афсус-надоматдан кеча-ю кундуз шашка-тор бўлиб оқаётган кўз ёшлари ҳам уни қутқаролмайдди. Эҳтимол, таниш-билишлари унинг айбидан кечар, бироқ қонун жиноятчини ҳеч қачон кечирмайдди.

Киссадан хисса шулки, кўзингизни каттароқ очинг, бошингизни кўтариб юринг, токи пешонангиз қонун чеклаб-чагаралаб қўйган жойларга бориб урилмасин!

**Олим Тўраев,
жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг судьяси.**

Пойтахтнинг Учтепа туманидаги «Тақачи» маҳалласи оқсоқоли Каримберди Ризаевни нафақат ўзи раислик қилаётган маҳалла ахли, балки туманда ҳам яхши танишади.



Биз Каримберди ота билан маҳалла қабулхонасида учрашдик. У киши бир онахон билан суҳбатлашиб ўтирар, аёл гап орасида миннатдорлик билдириб, дуо қиларди.

ЎНГИЛЛАРГА ЙЎЛ ТОПГАН КАЛОМ

отаси инсофга келиб, уларга икки жонали ўй олиб беради... Маҳаллада 503 та хонадон бўлиб, аҳоли сони 3800 нафарни ташкил этади. Раис уларни яхши билади. Ҳар бир оиланинг яшаш тарзи, шарт-шароити, касби-кори унга беш қўлдек аён. Пенсияерлар, ногиронлар, етим-есирлар ва кам таъминланган оилалар, шунингдек, қаровчисииз қолган ёлғиз қариюрлар алоҳида эътиборда. Уларнинг ижтимоий аҳолини имкон қадар яхшилаш учун қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2007 йилнинг Ижтимоий ҳўмия йили эканлиги муносабати билан, ёрдамга муҳтож оилаларнинг коммунал тўловлари йил давомида ҳўмийлар ҳисобидан қолланадиган бўлди. Туман меҳнат биржаси билан доимий ҳамкорлик ҳам натижага эришилди. Уйда ўтирган аёлларни, шаҳардаги тикувчилик ва ҳўнармандчилик ташкилотлари билан келишмишга ҳолда, яқка тартибдаги касаначиликка жалб этиш уларнинг фарзанд

тарбияси билан банд бўлишларига имкон яратиб беришдан ташқари, даромадлари ошишига ҳам омил бўлаёттир. Юртбошимизнинг «Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида қўра банклар томонидан имтиёзли шартлар асосида ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратилиши қатор оилаларга мадад бўлди. Янги турмуш қўрган ёшлардан 4 нафари ўй-ўй кредити олиш учун ҳўжжат тайёрламоқда.

Маҳалла — менинг уйим

Маҳаллада ободонлаштириш ва тозаланиш ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Эрта кўламда кўчалар ва ҳўвиллар, мактаблар, дўконлар атрофида турли дарахт ва гул кўчатлари ўтказилади. Тоза ҳаводан мазага қилиб нафас олмақчи бўлганлар марҳамат қилиб гулзору бог яратсин, дея раиснинг таъкидлаши ҳамма-ни ҳўшёр тортиради. Ҳовлида яшовчилар учун «қўчабошилар» тайинланган бўлса, кўп қаватли уйларида «йўлабошилар» озодаликни назорат қилиб туради. Белгиланмаган жойга чиқинди ташлаган одам жазоланади. Вақтида келмаган ахлат

қатъий режа асосида белгилаб қўйилган. Бу ҳақда маҳалла сардори, профилактика инспектори, катта лейтенант Эркинжон Зиёдуллоев шундай дейди: — Маҳаллада 1790 нафар воёга етмаган болалар бор. Улар билан жиддий шугулланилмаса, турли ноҳўшликлар келиб чиқиси мумкин. Буни яхши тушунаган ота-оналарнинг қўлидан кўчмаган бўлганлар ҳам бизга ақидан ёрдам бериб, ҳамкорлик қиладилар. Уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, бадиий китоб мутолааси юзасидан суҳбатлар, 123-умумтаълим мактаби муаллимлари билан биргаликда ўтказиладиган турли қўриқ-танловлар ёшлар

қалбида ватанга муҳаббат туғусини кучайтирмоқда. Шу кўнларда Истиклолимизнинг 16 йиллигига бағишлаб, «Мен 16 ёшдаман!» деб номланган театрлаштирилган томоша тайёрлашмиш. Унда маҳалладаги 16 ёшли ўғил-қизлар катнашиб, ўзларнинг оила, жамиятда тутган ўринлари ҳақида ҳўқия қўлаб берадилар. Ушбу тадбирга нафақат болалар, балки ота-оналарнинг ҳам қизиқшлари катта. Ҳар бирининг дилидан «Қанийди, менинг болам голиб қикса!» деган ўй кечаетганлиги табиий.

— Маҳалла суҳбатига катта бир оила, — дея муборакқидимизга қўшилиб 80 ёшли Фарида она. — Катта кичики эъозласа, кичик каттага ҳўрмат кўрсатади. Мен ёлғиз яшайман. Соғлим жойида эмаслигидан қўлимча хасталаниб қоламан. Шундай пайтларда кўни-кўшнларим, маҳаллам жонимга оро кирди. Маҳаллам раиси ташаббуси билан ёлғиз кексаларга ёнгинамиздаги дорихонадан зарур дори-дармонлар бепул берилади. Сизга айтсам, ҳудудимиздаги озиқ-овқат дўконларида спиртли ичимликлар сотиш қатъий ман қилинган. Тўйлар ва турли маросимлар ҳам ичмам ва исрофгарчиликсиз ўтади. Буларнинг бари ўз-ўзиндан бўлаётгани йўқ, албатта. Ўн кўшчига бир бошчи ҳаммиша зарур. Ана шу бошчи Каримбердидир.

Гулчўра Йўлдошова.

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ

«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигна» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вақили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни тақлиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун қолат — 24 ой.

Кўрғазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари каторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесмишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

O'ZSANOATQURILISHBANK

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзсаноатқурилишбанк кенгаши сизга 2007 йил 14 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уйда жойлашган банкнинг бош идораси биносида банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар қилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги 670-сонли «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодийни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг эълон қилинган акциядорларининг энг кўп миқдорини белгилаш.
2. Банк уставига киритиладиган ўзгартиришлар тўғрисида.
3. Банк томонидан янги молиявий воситаларни муомалага чиқариш ва жойлаштириш масаласи.
4. Банк бошқаруви аъзолари билан меҳнат шартномаларини тузиш тўғрисида.

Ўзсаноатқурилишбанк акциядорларининг 2007 йил 15 август ҳолатига ёпишган реестрида мулкий ҳуқуқлари акс эттирилган акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга. Банк кенгаши акциядорлар ҳамда акциядорларнинг вақилларидан йиғилишга ўз шаклирини тасдиқловчи ҳўжжат ва ишончнома билан келишларини сўрайди.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади. Тегишли маълумот (материал)ларни бош банкдан ва банк филиалларидан олиш мумкин.

Кўшимча маълумот учун телефонлар: 120-45-07, 120-36-06.

Банк кенгаши

ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTOBOM PLUS



GAZ-3221
Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли



GAZ-31105 «ВОЛГА»



GAZ-33023 «Фермер»,
юк кўтариши — 1,5 тн.,
6 ўриндиқли



GAZ-33214 (4x4)
«Тез ёрдам»



GAZ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи



GAZ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон,
юк кўтариши — 1,3 тн.,
3 ёки 7 ўриндиқли



GAZ-3309 Турбодизель
юк кўтариши — 4,5 тн.,
2 ўриндиқли



GAZ-3307
Автовакуатор



GAZ-3302, нон ташийдиган,
лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУОРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь», ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли, асосензаторлар, автоидрокуватрчилар, автоустахоналар, бургулаш (бурыль), чийинди ташийдиган, мобил билбордлар, автовакуаторлар, АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

Тўлов шакли турлича

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан «Халқ сўзи» ва «Народное Слово» газеталари таҳририятлари корхона, ташкилот, компания, қўша корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун тақлифларни қабул қилади.

Буюртмалар шу йилнинг 24 августигача қабул қилинади.
Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: xalk_suzi@rambler.ru

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобиллари (автобуслари) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчилари) тақлиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юкгайчиларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ ҳўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни тақлиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вақилимиз — «O'zbekMAZservis» кўшама корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Тошкент Давлат аграр университети жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты, Иқтисодий назария, профессор Асатилла Абдурахмоновга воқилиси **ТУРСИН** аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Биорганик кимё инсти-тути жамоаси директор муовини Бўрибой Нишоновга онаси вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат санъат институти жамоаси Ўзбекистон халқ артисти **Берта ДАВИДОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 25012 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мизақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар **Жамшед Тоғиев** ва **Мухаммадали Бегмуратов** томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲАА ажуни — 21.10

Манзилимиз: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орплов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

Тошпирлиди — 22.50 23456